

2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

БУХОРО YO SHILARI

2024-YIL,
SENTABR, № 18
(528)

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy, adabiy-badiiy gazeta



ШЕРЗОД НАМОЗОВ “CHAMP-DE-MARS ARENA”ДАН ОЛТИН МЕДАЛЬ БИЛАН ҚАЙТАИ

Рио-2016 ёзги Паралимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритган ҳамюртимиз Шерзод Намозов яқинда Париж-2024 ёзги паралимпия ўйинларида пара дзюдо бўйича эркеклар ўртасида мусобақада қатнашди.

У “Champ-de-Mars Arena”да ўтказилган беллашувда J-2 классда 60 кг вазн тоифасидаги баҳсларда юртимиз шарафини муносиб тарзда ҳимоя қилди. Финал баҳсида грузиялик Зураб Зурабианни мағлуб этиб, икки карра Паралимпия ўйинлари ғолиби, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Чемпион Бухоро давлат университетида тантанали тарзда кутиб олинди. Унда вилоят ҳокимлиги вакиллари, мураббийлар, спортчилар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Шерзод Намозовнинг спортдаги ютуқлари ва меҳнатига эътироф сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Париж шаҳрида бўлиб ўтган XVII ёзги Паралимпия ўйинларида юксак натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони билан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” унвони билан тақдирланди. Вилоятдошимизни мазкур унвонга муносиб кўрилгани билан самимий қутлаймиз!

“СОҒЛОМ ҲАЁТ – БАХТЛИ КЕЛАЖАК” ЛОЙИҲАСИ ЎЗ ИШНИ БОШЛАДИ



“Бухоро yoshlari” газетаси Таҳририяти Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат Фонди томонидан ажратилган грант маблағларига эга бўлган эди.



“СПОРТ ВА МЕН”ДА ҲАММА ҒОЛИБ

Таҳририят лойиҳаси доирасида Бухоро шаҳридаги “Шодлик” МФЙ билан ҳамкорликда “Спорт ва мен” тадбири ўтказилди.

Тадбир давомида жисмоний нуқсонли бор ёшлар ва уларнинг оиласи билан суҳбатлашилди, кўнгилочар куй-қўшиқлар янгради. Спорт соғлом ҳаёт манбаи экани хусусида тарғибот ишлари олиб борилди. Болалар ўртасида мини футбол мусобақаси ўтказилди.

— Болалигимдан расм чизишга, китоб ўқиш ва спортга жуда қизиқаман. Бугунги тадбирда ажойиб совғалар олдим. Ўзимга ишончим ортди. Ҳеч бир тенгдошимдан кам эмаслигимни ҳис қилдим ва бу каби тадбирларни кўпроқ ташкиллаштирилишини хоҳлардим. — дейди Дурдона исмли қиз.

Китоб, қалам ва рўзномалар олган лўли элатига мансуб Сурайё мак-

табда ўқиш орзуси эканини айтади. Тенгдошлари орасида ўзини бахтиёр ҳис қилар экан, “Мен ҳам ёзиш-чи-зишни энди ўрганаман!”-дейди шашт билан.

Футбол тўпига эга бўлган Баҳромжон эса қувончини тилда эмас, тенгдошларига қўл хатти-ҳаракатлари билан тушунтирган бўлади.

Тадбирда юзга яқин маҳалла болалари тўпланишди. Жисмоний нуқсонли бор тенгдошларини қаторларига қўшишди. Улар ўз қизиқишлари ва ўзларини ўйлантираётган саволларига жавоб олишди.

Тадбир сўнггида улар турли турдаги совғалар билан тақдирланди.

“Соғлом ҳаёт-бахтли келajak” лойиҳаси режалари билан таништириш ва келгусидаги жараёнлар ҳақида батафсил тушунтириш мақсадида Бухоро Ёшлар марказида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналист ва блогерлар, вилоят Спорт бошқармаси, вилоят ИИБ бошқармаси вакиллари иштирок этишди.

Анжуман Бухоро вилояти Ёшлар ишлари бошқармаси Ахборот таҳлил ва ижро назорати бўйича бош мутахассис Шерзод Нарзул-

лаев томонидан табрик сўзи билан очилди.

— “Бухоро yoshlari” таҳририяти доимий газетани нашр этириш ишларидан ташқари, турли тадбир-танловларда иштирок этишга ҳам улгуради. Газета жамоаси бугун катта бир лойиҳанинг бошида турибди. Ишончимиз комилки, лойиҳа доирасида ўтказилиши кутилаётган тадбирлар файзли ва самарали бўлади. Ёшлик ва фаоллик сизларни асло тарк этмасин.

Шунингдек, матбуот анжуманида иштирок этган ОАВ ходимлари ҳамда блогерларга эсдалик совғалари

берилди. Креатив тарзда ўтган матбуот анжуманида интерфаол ўйинлар ҳам ташкил этилди.

— Бухоро вилоят спорт бошқармаси йил якунига қадар ёшлар ўртасида кўп-кўп лойиҳа ва учрашувлар ўтказишни режалаштирган. Таҳририят лойиҳаси ҳам айнан йўналишимизга мослиги туфайли ҳамкорликда иш олиб борамиз. Биргаликда яна режалар тузиб, ҳали юзага чиқмаган иқтидор ва истеъдод эгаларини излаб топамиз, - деди Бухоро вилоят спорт бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Гулмира Гулямова.

ЁШЛАРИМИЗ ИРОДАСИ МУСТАҲКАМ



Маҳалла институти ноёб тузилма бўлиб, унда истиқомат қилаётган фуқароларнинг талаб, муаммо ва истакларини жойида ўрганиш, шунга асосан иш юритиш, ҳар қандай вазиятда ҳам “Инсон қадр” тамойилига биноан йўл танлаш ҳар қачон соҳа фидойиларидан ўткир зеҳн, хушмуомалалик ҳамда фидойиликни талаб этади. Бу борада ёшларнинг тақдир масаласи залворли.

Бухоро шаҳридаги Раззоқ Ҳамроев маҳалла фуқаролар йиғинида Шавкат Гуломов етакчи сифатида иш бошлаган. У дастлабки кунлариданоқ, ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва бу орқали чинакам соғлом, маърифат ва маданиятга уйғун ҳаётни жорий этишга астойдил киришди. Бунда унга, ҳеч шубҳасиз китоб ёрдам келди. Аввало, ўзи мутолаа қилган китоблари асосида, бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказган интеллектуал ўйинлар-у маънавий-маърифий тадбирлар ёшларнинг турли ёт гоёларга эргашиб кетишларининг олдини олишда муҳим рол ўйнади.

2024 йил икки чораги давомида маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшлар бандлигини таъминлаш, бўш вақтни мазмунли ташкил этиш мақсадида шахмат, шашка, волейбол каби спорт турлари бўйича тўғарақлар мунтазам фаолият кўрсатди. Амалий ишлар самараси ўлароқ, маҳаллада бу муддат ичида ёшлар ўртасида бирор маротаба ҳам жиноят содир этилмади.

— Ёшлар масалаларини тизимли ҳал

этиш борасидаги кўрсаткичларимиз Республика бўйича юритиладиган рейтингнинг энг юқори 100 талик погонасини банд этганлиги қувонарли ва бу, албатта, бизнинг елкамизга янада улкан масъулият юклайди. Ота-онам номига Республиканинг соҳа мутасаддилари номидан юборилган ташақкурнома эса, ғайрат-шижоатимни янада ошириб, эзгу ишларга руҳлантирди, — дейди ёшлар етакчиси.

Шавкат Гуломов 2022 йилнинг сентябрь ойидан буён аҳил маҳаллада фаолият юритиб келаётган бўлса, шу қисқа муддат ичида ёшлар билан яқиндан мулоқотда бўлиб, уларга чинакам етакчи бўлишга астойдил ҳаракат қилди. Бунинг натижаси улар эришяётган ютуқларда ўз аксини топмоқда.

Мазкур маҳаллада яшил тоифага мансуб ёшлар 833 нафарни, сариқ тоифага мансуб ёшлар 449 нафарни, қизил тоифага кирувчи ёшлар эса, 12 нафарни ташкил этади. Улар билан чинакам ҳамнафаслик юксак марраларга дебоча бўлишига шубҳа йўқ.

Шаҳсан ўзи ўрнак бўлаётган етакчининг ўзи ҳам доимо интилишда. Чет тилларини ўрганишга қизиқиши юқорилиги боис, инглиз тилидан IELTS сертификатини қўлга киритди, “Ibrat academy” дастурининг ёрлиги уйининг тўрини беэба турибди. Бу билан чекланиб қолгани йўқ. Ҳозир у бир қанча лойиҳаларини амалга ошириш ҳаракатида.

Маҳалла ёшлари ҳар жабҳада фаол. Беш ташаббус доирасида ташкил этилган Workout мусобақаларининг вилоятда 3-ўрнига айнан маҳалламиз ёшлари муносиб кўрилгани, ё бўлмаса, уларнинг бу йўналишда энгил атлетика, “Arm wrestling” ҳамда шахмат ва шашка беллашувларида 2-ўринни эгаллашгани кишини тўлқинлантиради.

Ўзининг орзуларини Ватан билан, маърифат билан боғлаган ёшлар ҳам мазкур маҳаллада талайгина. Камила Саидова ана шундай тиришқоқ, изланувчан ёшлардан. У ёшлар форумида фаол қатнашиб, Германияда ўз оламини янада бойитиш имконига эга бўлди.

Шубҳасизки, Янги Ўзбекистонни барпо этишга жидду жаҳд қилган ҳар бир ёшнинг ҳар бир мўъжаз ютуғи ҳам кишига таскин беради, эртанги кунга ишончини оширади. Биз бу каби ўз тақдирини йўлларини ёритишга шай келажак эгаларининг кейинги ишларида ҳам зафарлар тилаймиз.

Дилназов Тўхтаева,

“Buxoro yoshlari” газетаси мухбири.

“МЕН ВА ОИЛАМ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИ”

“Соғлом ҳаёт-бахтли келажак” лойиҳаси доирасида “Мен ва оилам соғлом турмуш тарафдори” номи остида Бухоро шаҳридаги Низомий Ганжавий маҳалласи фуқароси Азима Нурова ҳолидан хабар олинди.



Азима дунёга асли соғлом келган. Бирок, шифокорларнинг эътиборсизлиги ва нотўғри текшируви сабаб бир умрга тузатиб бўлмас касалликка йўлиққан. Чақалоқлигида шамоллашдан бутунлай тузалиб кетмагани аниқланмай, унга эмлаш ўтказилган ва оқибатда ўнг гавда қисми яхши ишламай қолган. Унинг сўзларига қулоқ солиб, орзулари ва кўнглига тугиб қўйган ниятлари кўплигини англадик.

— Бир нафар ўғлим бор. Ёлғиз онаман. Ҳамма бойлигим, қувончим ҳам у. Иккинчи гуруҳ ногирониман ва ҳеч қаерда ишламайман. Шукурки, турар жойим бор. Маҳалламиз моддий ва маънавий томонлама ёрдам бериб келмоқда. “Аёллар дафтари” ва “Темир дафтар” рўйхатига киритилганман. Имкони бўлса, хунар ўрганишни истардим.

Айниқса, тикиш-бичишга жуда қизиқаман. Фарзандимга ўз қўлларим билан кийим тикиб беришни истардим, — дейди Азима.

Маҳалла раиси Насиба Муҳаммедова унинг қизиқишларини тинглаб, тикувчиликни ўрганиши учун Бухоро вилоят Мономарказда ўқишини ташкил этишга кўмаклашишни билдирди.

Азима Нуровага эсдалик совғалар топширилди.



Бухорода маҳалла солиқ инспекторлари ўзларига бириктирилган маҳаллаларда аниқ мақсад ва вазифалар асосида иш юритишяпти. Таъкидлаш лозим, солиқ органларининг маҳалла даражасига туширилгани қисқа фурсатда ўзини оқлади. Янги тизимнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, бунда махсус дастур орқали маҳалла солиқ инспекторларининг самарадорлик кўрсаткичи инсон омилисиз баҳолаб борилаяпти.

БУХОРОДА МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҚЛАРИНИ ТЎЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ ҚАНДАЙ КЕТМОҚДА?..

Солиқ қўмитаси томонидан умумий рейтинг эълон қилиб бориш тизими яратилган.

Жорий йил август ойида “Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизимида баҳолаш натижаларига кўра, Бухоро вилоятининг самарадорлик кўрсаткичи (КПИ) 87.0 баллини ташкил этади. Умумий рейтингда эса Бухоро вилояти солиқ инспекторлари ҳиссаси юқори бўлган ҳудудлар қаторидан жой олди.

Жумладан, Ромитан туманидаги “Боғча”, “Ўба” ва “Ромитан” маҳаллаларига бириктирилган солиқ инспектори Азиз Ҳамидовнинг август ойидаги самарадорлик кўрсаткичи 90.0 балдан юқори баҳоланган.

Биз кунни-кеча ушбу маҳалла солиқ инспекторининг ҳудудда бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишдик.

— Менга Ромитан туманидаги “Боғча”, “Ўба” ва “Ромитан” маҳаллалари бириктирилган, — дейди маҳалла солиқ инспектори Азиз

10 фоизи “Маҳалла бюджет” жамғармасида қолади, — дейди маҳалла солиқ инспектори Азиз Ҳамидов.

Бухоро вилояти солиқ бошқармасининг “Маҳаллабай ишни ташкил этиш” шўбаси масъул ходими Шерзод Жўраев “Маҳаллабай” ишлаш тизими доирасида Бухорода солиқ инспекторлари томонидан солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган ёрдамлар, жойларда олиб борилаётган тарғибот ва тушунтириш ишлари натижасида аҳолининг солиқ саводхонлиги ортиб, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажариш кўрсаткичлари тобора ўсиб бораётганини таъкидлади.

— Бугунги кунда вилоятимизда жами 443 962 нафар мол-мулк солиғи ҳамда 392 153 нафар ер солиғи тўловчи жисмоний шахслар бор. Солиқ қонунчилигига кўра, улар ушбу солиқ тўловларини солиқ даврида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқига эгадирлар. Таъкидлаш керак, жорий йилнинг ўтган даврида



Ҳамидов. — Бу ерда менинг асосий вазифам маҳалладаги имкониятларни ишга солиб, солиқ базасини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштиришга ҳамда ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашишдан иборат.

Азиз Ҳамидовнинг айтишича, маҳаллаларнинг солиқ тушумлари прогнози 3 миллиард 908 миллион сўмни шундан 9 ойлиги 2 миллиард 918 миллион сўмни ташкил этади. Йил охиригача маҳалла ихтиёрида қоладиган маблағ миқдори 1 млрд 701 миллион сўм режалаштирилган. Бугунга келиб, бу режани 2 миллиард 486 миллион сўмига ёки 63.6 фоизга бажарган.

“Август ойининг ўзида 10 та ишламай турган тадбиркорнинг фаолиятини тикладим, 31 та корхонада 130 дан ортиқ ишчи фаолиятини легаллаштирдим. 20 нафар ноқонуний ишлаётган фуқарони тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш ва ўзини-ўзи банд қилиш натижасида 102 миллион сўм бюджетга кўшимча манбаа аниқладим. Йил охирига қадар “Маҳалла еттилиги” билан ишлаб, маҳалла ихтиёрида қоладиган 1 млрд 701 млн сўм тушумини таъминлайман. Маҳалла ихтиёрида қоладиган маблағлар ҳақида гап кетар экан, биламизки, жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг

вилоятимиздаги 242 минг нафар мол-мулк ва ер солиғи тўловчилари охириги муддатни кутмасдан жами 264.0 миллиард сўмлик ҳисобланган солиқ тўловларини тўлиқ тўлаб қўйишди. Ўйлаймизки, қолган 202 минг нафар мол-мулк ва ер солиқларини тўловчи жисмоний шахслар ҳам ўз мажбуриятларини 15 октябрдан кечиктирмасдан тўлашади, — дейди вилоят солиқ бошқармасининг масъул ходими.

Бу солиқ органларида йўлга қўйилган янги тизимнинг фақат битта йўналишдаги самараларидир. Қувонарлиси, кейинги йилларда аҳолимиз орасида солиқ муносабатларига онгли муносабатда бўлиб, солиқ тўловларини ўз вақтида тўлашни давлат ва жамият олдидаги бурчи эканлигини англаган юртдошларимиз кўпаймоқда.

Пировардида эса ана шу маблағлар ҳисобига жойларда янги-янги ижтимоий объектлар барпо этилмоқда, ички йўллар ва пиёдалар йўлакчалари яхшиланиб, ёритиш тизими, электр энергияси ҳамда табиий газ тармоқларидаги мавжуд камчиликлар барта-раф этилмоқда.

Дилшод Юлдашев,
Бухоро вилояти солиқ бошқармаси
бошлиғи.



- Қизим, ўқишга кирганингдан хурсандмиз. Лекин уйимиз узоқда, эрталаб дарсларга кечикасан-да!
 - Қариндошимизникида яшасам-чи?
 - Улар катта оила, аммо кичик ҳовлида туришади. Кел, яхшиси, олийгоҳнинг Талабалар турар жойидан сенга хона сўраб кўрамиз.
 - Ҳа, унда масофа узоқлиги бизга энди муаммо эмас!


Олийгоҳ...таълим ва талабалик. Катта ҳаётнинг илк қадамлари шу остонадан бошланади. Ўз йўлини топиб кетиш имконияти бу. Пухта билим эгаллашни истаган талаба ҳар қандай шароитда ҳам йўлини топиб ўқийди. Аммо, бунда яшаш жойи ва ундаги имкониятлар муҳим аҳамиятга эга.



туркман ва ўқиш истагида бўлган бошқа миллат ёшлари институтнинг Талабалар турар жойидан беминнат фойдаланиб келишмоқда.
 - Тиббиёт институтида биз, хорижлик, талабалар таълим олишимиз учун турар жой масаласида асло муаммога дуч

ТАЛАБАГА ТУРАР ЖОЙДАН МУАММО ЙЎҚ!

Бугунги кунда давлатимиз томонидан таълим олиш ва унинг сифатини яхшилашга қанчалик эътибор берилётган бўлса, Талабалар турар жойи имкониятларига ҳам шу қадар аҳамият қаратилмоқда.



Бухоро вилоятида мавжуд давлат олийгоҳларида Талабалар турар жойлари жиҳозланиши ва яшаш учун зарур бўлган шароитлар яратилган. Илк танишувимиз **Бухоро давлат университети Талабалар турар жойида** кечди.

Бухоро давлат университети Талабалар турар жойи билан танишишга ошиқар эканмиз, шундоқ ўқув бинолари билан туташ кўркам иншоотлар ҳайратимизни оширди. Мен ҳам шу даргоҳни тамомлаганман. Аммо, оиламиз билан шаҳар марказида яшаб келётганимиз учун ётоқхона хизматида фойдаланмаганман. Гоҳида ётоқхонада яшаб келётган курсдошларимиз билан тушликка уларнинг хонасига чиқардик. Тўғриси, ҳавас қилардим. Барча шароитлар етарли, муаммо йўқ. Айниқса, курсдош дугоналарнинг тонгга қадар бирга дарс тайёрлаб, гурунглашиб чиқишига нима етсин. Гоҳида “Ойи, ётоқхонада мен ҳам яшасаммикин?!” - дердим кулиб...

Ҳамроҳим мендан ёши анча каттароқ бўлгани учун Бухоро давлат университети Талабалар турар жойини кўриб, олдинги давр билан қиёслаб ҳозирги шароитларга ҳавас қилди. “Эҳ-ҳе-е, бизни вақтларда бундай ётоқхоналар қаерда эди, ҳатто, хаёлимизга кирмаган ҳам. Шароитларни қаранг, ажойиб, бунақа шароитлар айрим хонадонларда ҳам топиш қийин. Шунга яраша илм олишсин-да, ёшлар!”, - дейди кўзлари ёниб.

Ҳақиқат, ҳамроҳимнинг ҳайрати бежиз эмас. Барча олийгоҳлар қатори БухДУ Талабалар турар жойида имконият ва шароитлар яхши. Ётоқхонага ичкарилаган ёшларга қулайликларни кўриб, қувончимиз ортади. Хоналар олди, фае ва барча йўлақлар гуллар билан безанган. Тартиб-интизом, назорат кучлилиги шундоқ кўриниб турибди.

MY.GOV.UZ BILLING ТИЗИМИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН

2024/2025-ўқув йилида Бухоро давлат университетида 8та 2867 ўринли Талабалар турар жойи фаолияти йўлга қўйилган. Университет Талабалар турар жойларининг

6 та биносига 2008 нафар талаба-қизлар ва 2 та биносига 859 нафар талаба-йигитларни жойлаштириш белгиланган. - Бугун ўқийман, келажакда олий маълумотга эга бўлиб, касбу-корга эга бўламан, деган ёш учун ҳеч қандай тўсиқ ёки муаммо йўқ. Хоҳиш бўлса бас! Шу билан бирга қалбида илм олиш иштиёқи юқори бўлган ҳар бир талаба йигит-қизни меҳмонхоналардан кам бўлмаган шарт-шароитга эга замонавий турар жойлар кўтиб турибди. Талабага турар жойдан муаммо йўқ. Жорий йил Вазирликнинг тегишли буйруғига кўра, 1 августдан бошлаб, университетда “Талабаларни турар жойларга жойлаштиришга кўмаклашувчи Ишчи гуруҳ ва 4 та “Call markaz” ташкил қилинди. Мунтазам равишда талабаларнинг онлайн ва офлайн тарзда келиб тушган мурожаатлари қаноатлантирилди, кўмаклашилди. Шунингдек, My.gov.uz billing тизими асосида хоналарга онлайн жойлаштириш тизими ҳам ишга туширилди,- деди олийгоҳ ректори Обиджон Ҳамидов.

Маълум бўлишича, 4та устуворлик бўйича талабалардан аризалар қабул қилинган. Бунда 1-устуворлик I- ва II-гуруҳ ногиронлари, Ижтимоий ҳимоя ягона реестри, Аёллар дафтари, Темир дафтар ва Ёшлар дафтари рўйхатида бўлганлар, 2-устуворлик - доимий яшаш манзили бошқа ҳудуд, яъни вилоятлардан келган талабалар, 3-устуворлик - кундузги, бакалавр талабалари бўлиб, 4-устуворлик - умумий сиртки ва кечки таълимда тахсил олаётган ва ётоқхона хизматига талабгор талабалардан иборат. Жорий ўқув йилининг 10 сентябрига қадар My.gov.uz billing тизими орқали 2504 та ариза келиб тушган ва 2501 та ариза учун йўлланма берилган.



Ҳозиргача 2112 нафар талаба яшаш хоналарига жойлашишган. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, табиий фанлар ва агробиотехнологиялар факультетида тахсил олаётган талабаларга Бухоро туман Работикалмоқ МФЙ Янгиобод кўчасида қад ростлаган замонавий бино тез кунларда фойдаланишга топширилади.

Кейинги манзилимиз Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтига тутади. Янги кампус, янгича кўринишга эга Талабалар турар жойи гоётада бетақдор бунёд этилган. Бўлгуси тиббиёт ходимларини ўз бағрига олган ётоқхонага ичкарилар эканмиз, хорижий ва ўзбек



талабаларининг бир оила фарзандларидек эмин-эркин яшаб келишяётганини кўриб, фахр туйғусини ҳис этдик.

ЎЗИМИЗНИ УЙДАГИДЕК ҲИС ЭТАМИЗ

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида 2022 йилга қадар 400 нафар талабаларга мўлжалланган 1 та ТТЖ мавжуд бўлган. 2023/2024-ўқув йилидан бошлаб, институт янги кампусида 3 та 1200 нафар талабаларга мўлжалланган янги ТТЖлар фойдаланишга топширилди. Мавжуд эски ТТЖ капитал таъмирланди ва 2 ярусли кроватлар билан таъминланиб, сигими 400 ўридан 540 ўринга оширилди. Натижада бугунги кунда институтда талабаларни турар жой билан таъминлаш 4,35 баробарга ошиб, 2 та локацияда ТТЖларда жами 1740 ўринни ташкил этмоқда.

Олийгоҳ ректори Шухрат Тешаевнинг билдиришича, янги 2024/2025-ўқув йилида талабалар сони 8134 нафарни ташкил этган бўлса, 2963 нафари Талабалар турар жойига эҳтиёж билан мурожаат қилишган. Шундан 1740 нафари турар жой ва 1223 нафари ижара хонадонларига жойлаштирилди. Талабалар турар жойига талаб ва эҳтиёжи бор ҳамда янги топишган ижара хонадонлари рўйхатлари ижара хонадонига эҳтиёжи мавжуд талабаларга берилиши учун институтнинг расмий сайтида эълонлар ёритилган. Шунингдек, аризалар онлайн қабул қилиниб, институтнинг расмий телеграм каналида ҳамда “Талабаларни турар жой билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ” 3 та локациядаги инфо-киосклар орқали мурожаатлар қаноатлантирилган.

Талабалар етиб келишидан олдин барча яшаш хоналари ва ТТЖ бинолари дезинфекция қилинган ва уларнинг саломатлиги хавфсизлиги таъминланган.

- Институтимиз Талабалар турар жойида яшаш учун жудаюм қулай ва ҳамёнбоп. Назорат ҳам кучли ўрнатилган. Бегоналар кирмайди ва талабалар кечликда чиқиб кетолмайди. Ҳар кун кеч соат 22:00 га қадар “Беиш муҳим ташаббус” хоналаридан фойдаланиш имкониятимиз катта. Бунда кутубхона, тикувчиликни ўрганиш, тренажёр ва компьютер хоналари ташкил этилган. Кир ювиш, қуришти, ювиниш ҳамда овқат тайёрлаш хоналари, хуллас, ўзимизни уйимиздагидек ҳис қилишимиз учун ҳамма шароитлар етарли,- дейди институт талабаси.

Институтда тахсил олаётган маҳаллий ва ҳорижлик талабалар учун имкониятлар бирдек яратилган. Хусусан, ҳинд, покстон, афғон,

келмадик. Биз билан яхши муомалада бўлишяпти, таълим жараёнлари ва тартибда назорат кучли. Шунга қарамай, тенгдошларимиз билан қувноқ, устозлар билан эса самимият билан дўстона муносабат ўрнатяпмиз,- дейди ҳиндистонлик талаба Муҳаммад Шаҳид Раза.

Бухоро муҳандислик-технология институти ҳам Талабалар турар жойига эга. Ушбу биноларнинг қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилгани институт талабалари учун ажойиб совға бўлди.



ИНФО-КИОСКЛАР РЕЖА-ЖАДВАЛ АСОСИДА ИШЛАЙДИ

Бухоро муҳандислик-технология институтида янги 2024/2025-ўқув йилида талабалар сони 3163 нафарни ташкил этмоқда. Талабалар турар жойига эҳтиёжманд ёшлар 1164 нафардан иборат. Ҳозирда институтнинг мавжуд 3 та Талабалар турар жойи биносидан 850 нафар талабалар ўрин олган. 314 нафари ижара хонадонларига жойлаштирилди. Талабаларнинг ариза ва мурожаатлари онлайн қабул қилиниши йўлга қўйилган. Институтнинг расмий телеграм каналида ҳамда “Талабаларни турар жой билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ” да 4 та локацияда инфо-киосклар ташкил этилган. Ушбу инфо-киоскларда режа-жадвал асосида волонтерлик хизматлари йўлга қўйилган. Марказга келган талабалар ва уларнинг ота-оналарига талабаларни ТТЖ билан таъминлаш бўйича амалий ёрдам бериб келинмоқда. Етарлича шароит, имконият мавжуд.

- Институт ётоқхонасида яшаб, таълим олаётган талабалар учун муҳим шароитлар яратилган. Хусусан, яшаш хоналари, коридорлар жорий таъмирланиб, талаб даражасида жиҳозланди. Эски жиҳозлар, жумладан, кроват, шкаф, стол, стул ва бошқалар яншиларига алмаштирилди,- дейди институт ректори Садоқат Сиддиқова.

Биринчи севгим

Совет даврида қурилган бир қаватли пастаккина мактаб: хоналари тор, эшиклари паст, тор қаридор ва катта-катта столга стули улашиб кетган парталар. Биз битта партада беш киши бўлиб ўтирар эдик, учта синф бўлиб: А, Б, Г синфлар. Мен "А" синфда ўқир эдим.

Учинчи синф пайтимда "Г" синфда, атиги, уч нафар ўғил бола, қолган ҳаммалари қизлар эди. Мен шу синфдаги бир қизга ўзимча ошиқ эдим. Севги нима эканини билмасдим, аммо уни яхши кўрар эдим. Ҳар кун уйга келиб, дарсларимни тайёрлаб бўлгач, қизил ва кўк ручкаларимни олиб, хат

ёзардим, севги хати... Уни уйимиздаги гул туваклари тагига яшириб қўярдим. Опаларим топиб олиб, таёқ еган пайтларим ҳам бўлган. Аммо, ёзишга ёзардим, ҳеч ўзига беришни имкони бўлмасди. Чарос исмли синфдошим бўларди шу қиз мени "почталёним" эди. Мактабга бориб, унга берардим. Кейин хатим сўнггида ёзганим "Жавобини интизорлик билан кутаман" деган сўзимга ва хатимга жавоб кутар эдим. Афсус, жавоб келмас эди. Лекин, ёзганларимни қанда қилмай, ўқиб боришни ҳам билар эдим.

Биласиз, қишлоқ мактабида қизлар алоҳида, йигитлар алоҳида ўтиришади. Мактабдан қайтаёт-



ганда ҳам шундай: қизлар алоҳида, йигитлар алоҳида юришади. Уни ёнига боришга рост, уялардим. Қишлоқда гап тез тарқалади, ахир. Хуллас, шу зайлда олти йил ўтди. Тўққизинчи синфни битирдик ва битирув оқшоми кунни арафасида мен қишлоқдан буткул кетишим аниқ бўлган эди. Битирув оқшомида роса ўйнадик, кулдик, маза қилиб ўтирдик. Мен шунда биринчи ва охириги марта қалбимга "илк муҳаббат" деб аталмиш буюк ҳисни олиб кирган ўша "биринчи муҳаббатим" билан рақсга тушдим. Ўша пайтлар Диск ёки "флешка" қаерда дейсиз, битта қора "романтик" магнитофон бор эди. Чироқ бўлса, бир соат ёнади холос, ўчиб қолса, "движок"дан фойдаланардик. Қишлоғимизда бир одат бор:

қизлар ўз синфдошларидан бирини танлаб, ўзлари қўл рўмолча тўқишади. Йигитлар эса совға олишади ва битирув оқшомида бир-бирларига ҳада этишади. Хурсанд бўлганим, мен учун айнан ўша мен танлаган қиз қўлрўмолча тўқиган эди. Унда шундай сўзлар атиргул нақши ёнида ёзилган ".....га.....дан бир умрга эсдалик учун". Мен мана шунда илк бора ўз севгисини айтмасам-да, менда кўнгли борлигини билганман.

Афсус, тақдир экан, қишлоқдан буткул шаҳар томон кетдим. Кўчиб кетишимизга уч кун қолганда, ўша қизнинг ёнига бориб, шу саволларни беришга ўзимда куч топдим:

- Сени яхши кўраман, мени кутасанми? - дедим. У индамай сумкасида битта қоғоз олиб, мен-

га узатди-да: "Мана, сен шунча йил ёзган хатларингга жавоб, хайр!" - деди.

Мен турган жойимда қолдим. Баҳодир исмли дўстим ёнига келиб, нима гаплигини сўради. Ўзим хатни ўқишга жазм қилолмадим ва уни дўстимга узатдим. У хатни ўқиди-да, кулиб юборди. Унга ҳайрон қарадим ва нигоҳимдан нима демоқчилигимни тушунди шекилли:

- Ҳеч нарса йўқ. Фақат "Мен ҳам" деб ёзибди,- деди.

Қувончдан бақриб юборибман. Қандай қилиб уйга етиб келганимни ҳам билмай қолдим. Хурсандлигимдан хонамга кириб, ётоғимга ўзимни отдим, ширин хаёллар билан ухлаб қолдим.

Ота-онам билан шаҳарга кўчиб кетдик. Орадан йиллар ўтди. Биз улғайдик. Аммо, дилимдаги севги олови ҳануз гуриллаб ёнарди. Бироқ, битта кўнгироқ мени юрагимга қўшиб, руҳимни ҳам ёндирди.

Ярим тун эди. Қишлоқдош дўстим Баҳодир кўнгироқ қилиб қолди. Аввалига мени тинчлантирувчи сўзлар айтди. Кейин, кейин эса... Билсам икки кундан кейин мен кўнгилик қўйган қизнинг тўйи экан... Кўз олдим хиралашиб, дунё қоронғу бўлиб кетди. Алам билан совға қилган қадрдон рўмолчани ёқиб юбордим... Бироқ, ҳеч кимни уни севганчалик севолмадим.

Биринчи муҳаббатим умр йўлларимдан хотира дафтарига кўчиб ўтди. Ҳозир ҳам қишлоққа бориб тураман. Дўстларим бор, улар жуда қадрлашади, борсам, ёшликни эслаб бир кулишамиз.

Унинг 4 нафар фарзанди бор, катта ўғлининг исмини менинг исмим билан атабди...

Дилшод Нур



НАФС ДОМИГА ТУШГАННИНГ ҲОЛИ ВОЙ

Инсон гоҳида нафсоний истакларининг қулига айланиб, унинг изни ила нопок ишларга қўл уради. Ўзгалар ишончини поймол этиш, улардан ўз эҳтиёжлари йўлида фойдаланиш бир кун келиб, инсоннинг ўзини емиради.

Афсуски, сўнгги пайтларда давлат хизматчиларининг давлат пулини ўзининг ҳою-ҳаваслари учун ноқонуний равишда сарфлагани етмагандай, фуқаролар ишончига кириб, уларни "чув" тушираётган ҳолатлари тўғрисидаги хабарларга қайта-қайта рўбарў келамиз. Мамлакатимизда ҳалол луқма излаб топиш мақсадида талайгина имкониятлар яратилган бўлишига қарамай, уларнинг бундай нопок йўлдан кетишларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

АТБ "Микрокредитбанк" Ромитан туман филиали бошлиғи лавозимда ишлаган Р. О. ҳам ана шундай қўнғирликларни бир неча

бор содир этган. У ўз лавозимдан фойдаланган ҳолда мунтазам равишда банк мижозларининг ишончини суистеъмол қилиб келган.

Р.О.нинг қўнғир ишларини санашга бармоқлар ҳам камлик қилади. Масалан, у Ромитан туманида жойлашган "Нормурод мадад омад" фермер хўжалиги раҳбари У.И.нинг ишончига кириб, унга "Нормурод мадад омад" фермер хўжалигининг АТБ "Микрокредитбанк" Ромитан туман филиалидан олинган кредит қарздорлигини қоплашини айтган. Ундан 33.000.000 сўм маблағини олган. Биров, бу пулларни кредит қарздорлиги учун тўламасдан ўзининг



шахсий эҳтиёжига ишлатиб юборган. Ромитан туманида жойлашган "Ғазберон чорва парранда файз" МЧЖ раҳбари Б.Ж.нинг ҳам ишончига кириб, унга "Ғазберон чорва парранда файз" МЧЖнинг АТБ "Микрокредитбанк" Роми-

тан туман филиалидан олинган кредит қарздорлигини қоплашини айтган. 4200 АҚШ долларининг 15.05.2022 йилдаги сўмга нисбатан қиймати 46.896.864 сўмни ташкил қилган пул маблағини олиб, уни ҳам шахсий манфаати йўлида

ишлатиб юборган. Яна шу тумандаги "Жамшид Фаршид замини" фермер хўжалиги ҳисоб рақамидан 40.000.000 сўм маблағларини олиб, ушбу маблағларни фермер хўжалиги раҳбари Ж.Р.нинг руҳсатисиз 13.000.000 сўмини ўртоғи Ш.С. раҳбарлигидаги "Соли Хушнуд Қоракўлчилик" фермер хўжалигининг кредит қарздорлигини сўндиришга ўтказган. 18.000.000 сўмини эса жияни С.Р. раҳбарлигидаги "Gold chorva baraka-omad" МЧЖга ўтказган. Қолган 9.000.000 сўмини ўзининг "Ромитан Қўрғон наслдор чорваси" МЧЖ номида бўлган кредит қарздорлигини сўндириш учун фойдаланган.

У кейинги "ўлжалари"ни ҳам мана шундай ими-жиммида "овлаб" келган. Сири фош бўлган банк бошлиғи суд мажлисида ўз айбига иқроор бўлган.

Раҳбарлик лавозимдан фойдаланиб, уни суистеъмол қилган бундай шахслар кирдикорлари кун келиб, фош этилишини била туриб, яна нафсиламрликдан тўхтамаслиги ниҳоятда ачинарли ҳол...

Бобур Умаров,
Жиноят ишлари бўйича
Ғиждувон туман суди раиси.

MUASSIS :
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGINING BUXORO
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI
BOSHQARMASI

Bosh muharrir :
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

BOSH HAMKOR:
O'zbekiston yoshlar ittifoqi
Buxoro viloyati Kengashi

TAHRIR HAY'ATI:
Shavkat Rahmonov
Mirali Hamroyev
Jamol Nosirov
Gulnora Samiyeva
Mirshod Ochilov

TAHRIRIYAT MANZILI:
Buxoro shahri, Alisher Navoiy
ko'chasi, 20-uy.

TAHRIRIYAT HISOB-RAQAMI:
20210000404114165001 "Agrobank"
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:
87100, STIR: 203590296
Nashr ko'rsatkichi: 3051

ISSN 2181-6557



**SAHIFALOVCHI -
DIZAYNER:**
Xurshid Abdullayev

Gazetaning ushbu soni elektron
shaklda tarqatildi.

Navbatchi muharrirlar:
Zulfizar Mavlonova
Dilnavoz To'xtayeva

Hajmi 2 bosma taboq. Qo'g'oz bichimi A-3.
Bahosi kelishilgan narxda 18.09.2024 yil

www.buxoro-yoshlari.uz sayti orqali biz bilan birga buling.